

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Республика болалар фтизиатрия ва
таянч-ҳаракат тизими касалликлари
реаблитатсия маркази директори



А.К.Ахмаджонов

**Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари
реаблитатсия маркази кир ювиш хизматини кўрсатиш
хариди учун**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА
ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент - 2026 йил

МУНДАРИЖА

- I. Иштирокчилар учун йўриқнома ва ҳужжатлар намуналари.**
- II. Техник топшириқ.**
- III. Шартнома лойиҳаси.**

I. ҚИСМ
ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА
ВА ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ

1. Танлов мазмуни.

Аутсорсинг “кир ювиш хизмати” бўйича танлов – бу рақобат жараёнлари воситасида шартнома шартларини бажаришда энг яхши таклиф берган иштирокчини танланишидир.

Давлат буюртмачиси – Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация маркази

Энг яхши таклифларни танлаш харид комиссияси томонидан аниқланади. Комиссия “Буюртмачи” томонидан шакллантирилади.

Энг яхши таклифнинг бошланғич нархи 149 940 000,00сўм.

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Дастлабки нархи | Суммаси | Худудлар номи | 3 % задатка |
|--------------|--------------------|---------------|--------|-----------------|--------------------|---------------|-------------|
| 1 ЛОТ | | | | | | | |
| 1 | Аутсорсинг хизмати | кг | 22 050 | 6 800 | 149 940 000 | Тошкент шаҳар | 4 498 200 |
| | ЖАМИ: | | | | 149 940 000 | | |

2. Танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар (маълумотлар)нинг махфийлиги.

Танловга алоқадор бўлмаган шахсларга танлов тугаганидан сўнг ёки танлов жараёнида таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолашга доир маълумотлар тўғрисида маълумотлар берилмайди, қонунчиликда белгиланган шахслар бундан мустасно. Маълумотларнинг махфийлиги учун Ишчи гуруҳ, гуруҳ мутахассислари ҳамда Харид комиссияси жавобгар ҳисобланади (*Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 46-моддаси*).

3. Харид ҳужжатларини тақдим этиш бўйича тушунтиришлар.

Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчилари Харид ҳужжатлари тўғрисида бирор-бир маълумот олишда давлат буюртмачисининг қуйидаги манзили орқали мурожаат қилишлари мумкин:

Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация маркази.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Мирз Улуғбек тумани, Юзрабод кўчаси 2-уй . ИНН: 200 540 977, ОКЕД:86100 МФО 00014.

4. Энг яхши таклифларни танлаш бўйича таклиф тайёрлаш.

Танлов натижасидан қатъий назар, иштирокчилар томонидан қатнашиш жараёнида ҳамда таклифларни тайёрлашда талаб этиладиган харажатлар учун Харид комиссияси жавобгар эмас.

Иштирокчи томонидан тайёрланадиган таклифлар ҳамда танловда алоқадор бошқа ҳужжатлар иштирокчи хошишига қараб рус ёки ўзбек тилида ёзилиши мумкин. Агар ҳужжатлар рус ва ўзбек тилларида тақдим этилган бўлса ва ҳужжатларда тафовутлар аниқланса, унда ўзбек тилида тақдим этилган ҳужжатлар устунликка эга бўлади.

Чет эл тилида тақдим этилган ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таржима қилинган ҳужжат нусхаси билан биргаликда тақдим этилади. Инглиз ҳамда рус ёки инглиз ҳамда ўзбек тилларида тақдим қилинган ҳужжатлардаги ёзувларда тафовут аниқланган тақдирда, рус ёки ўзбек тилида тақдим этилган ҳужжат устунликка эга бўлади. Шунингдек, ҳужжатлар учта тилда тақдим этилган бўлса ва ҳужжатларда тафовутлар аниқланса, ўзбек тилидаги ҳужжатлар устунликка эга бўлади.

Харидлар жараёни иштирокчисининг ҳужжатлари махсус маълумотлар порталида юкланган бўлиши шарт.

5. Таклифга киритилган ҳужжатлар.

Танлов учун малака ва техник ҳужжатлари махсус ахборот порталига юкланади.

Нархлар бўйича таклиф киритиш:

Махсус ахборот порталида, мазкур порталнинг талаблари асосида электрон шаклда киритилади.

Малака ва техник ҳужжатлари.

Малака ва техник ҳужжатлари рўйхати:

1. танловда қатнашиш учун Харид комиссияси раиси номига ариза (1-намуна);
2. иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (2-намуна);
3. коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслиги тўғрисида хат (3-намуна)
4. Танловда қатнашиш учун Ишончнома (4-намуна)
5. Харид комиссияси номига Кафолат хати (5-намуна)

6. Ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйича ташкилотнинг тажрибаси тўғрисида маълумотнома (6-намуна)
7. Молиявий ҳолати бўйича ҳисоботлар (7-намуна)

Аутсорсинг (иссиқ парhez таомлани етказиб бериш) хизмати бўйича энг яхши таклифни танлаш юзасидан баҳолаш мезонлари

| Т/р | Мезон | Мажбурий, Мажбурий эмас | | Баҳолаш |
|-----|---|-------------------------------|----|---|
| 1 | Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (“Танловда иштирок этиш учун” 2-намунага, “Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот” 2-намунага мувофиқ) | Мажбурий | 10 | <p>Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса – 10 балл</p> <p>Техник топшириқдаги 1-2-намунага мувофиқ, маълумотнома – 5 балл</p> <p>Тақдим этилса - 5 балл</p> <p>Тақдим этилмаса ёки мувофиқ эмас 0 балл</p> <p>- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган гувоҳнома – 5 балл</p> <p>Тақдим этилса 5 балл баҳоланади</p> <p>Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади</p> |
| 2 | Иштирокчини қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи қафолат хати (5-намунага асосан фирма бланкасида тасдиқланган ҳолда) | Мажбурий | 10 | <p>Талаб этилган барча ҳужжатлар 5-намунага мувофиқ тақдим этилса – 10 баллгача баҳоланади</p> <p>5-намунага мувофиқ Тақдим этилса 10 балл баҳоланади</p> <p>5-намунага мувофиқ эмас деб топилса 5 балл баҳоланади</p> <p>Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади</p> |
| 3 | Солиқ органидан қарздорлиги мавжуд эмас тўғрисида маълумот | мажбурий | 10 | <p>Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса –10 баллгача баҳоланади</p> <p>Тақдим этилса-10 балл баҳоланади</p> <p>Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади</p> |

| | | | | |
|---|--|------------------------|-----------|--|
| 4 | <p>Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (3- намунага мувофиқ)</p> | <p>Мажбурий</p> | <p>10</p> | <p>Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса – 10 балл баҳоланади</p> <p>3-Иловага мувофиқ – 10 балл баҳоланади</p> <p>3-Иловага мувофиқ эмас – 5 балл баҳоланади</p> <p>Тақдим этилмаса – 0 балл баҳоланади</p> |
|---|--|------------------------|-----------|--|

| | | | | |
|---|---|----------|-----------|--|
| 5 | Танлов иштирокчисининг Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрда қайд этилмаганлиги (Биржа маълумоти) ва аввалги аутсорсинг хизматини кўрсатган муассасалардан хулосалари | Мажбурий | 10 | Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса – 10 баллгача баҳоланади Тақдим этилса 10 балл баҳоланади Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади |
| 6 | Меҳнат дафтарчасидан кўчирма “ my.mehnat.uz ” дан, фуқаролик ва меҳнат шартномалари ва бошқалар шу билан бирга ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида тиббий кўриқ дафтридан кўчирма | Мажбурий | 10 | Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса – 10 баллгача баҳоланади Меҳнат дафтарчалир тақдим этилса – 5 балл Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади Тиббий кўриқ дафтари тақдим этилса – 5 балл Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади |
| 7 | Иштирокчи ташкилотнинг балансида зарур жиҳозлари мавжудлиги бўйича тасдиқланган ҳужжат ва молиявий ўрсаткичлари тўғрисида охириги 3 йиллик “форма-2” ҳисоботлари (7-намунага мувофиқ) (Солик ҳисоботларини тасдиқланганлиги тўғрисидаги QR-код билан) | Мажбурий | 10 | Талаб этилган барча ҳужжатлар тақдим этилса – 20 балл Тўлиқ бўлса 20 балл баҳоланади Тўлиқ бўлмаса 10 балл баҳоланади Тақдим этилмаса 0 балл баҳоланади |
| | БАЛЛАР ЖАМИ | | 70 | |

Танловнинг молиявий қисмига дастлабки малакавий ва техник баҳолаш мезонларидан 70 ва ундан юқори балл олган ташкилотлар ўтишига йўл қўйилади.

*Иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса, барча зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, тақдим этилган ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, 0 балл олади ва харид савдоларидан четлаштирилади.

Иштирокчи таклифи:

“**Нарх таклифи**” харидлар ҳужжатида кўрсатилган бошланғич тўлов суммасидан

юқори бўлмаслиги керак.

Зарур бўлган ҳолларда Харид комиссияси иштирокчилардан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича қўшимча маълумотлар талаб қилишга ҳақли (*шартнома нусхаси, олдинги йиллар молиявий ҳисоботи асл нусхаси ва бошқа муҳим маълумотлар*).

6. Таклифнинг амал қилиш муддати.

Иштирокчилар таклифининг амал қилиш муддати, таклиф топширишнинг охириги санаси тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кунидан кам бўлмаслиги керак.

Таклифда кўрсатилган нархлар ва шартлар бутун муддат давомида ҳар қандай шароитда ҳам иштирокчи томонидан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

7. Таклифни тақдим этиш ва тасдиқлаш.

Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчи таклифларни танлаш бўйича ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўзининг ишончли вакилини тайинлаш ҳуқуқига эга. Энг яхши таклифларни танлашда ваколатли вакил корхона раҳбари имзоси ва иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан тасдиқланиши керак. Ишончнома Харид комиссиясининг сўровига кўра қўшимча маълумотлар тақдим этилгандан сўнг, бевосита ваколатли шахс томонидан Харид комиссиясига тақдим этилади.

Танлов иштирокчиси – корхона раҳбари танловда иштирок этганда ҳамда зарур ҳужжатларга имзо қўйган тақдирда ишончнома тақдим этиш талаб этилмайди.

Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлардаги қаторлар орасида қўшимча ёзувлар, ўчиришлар ёки бошқа ўзгартиришлар киритилган тақдирда ҳужжат ўз кучини ёқотган деб ҳисобланади ва бундай ҳужжат Харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

8. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш тартиби.

Дастлабки малака саралаш жараёнида қуйидаги иштирокчилар қатнашиши мумкин эмас:

8.1. белгиланган муддатда малака танлаш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

8.2. шартнома тузишга ваколатли бўлмаган;

8.3. қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган;

8.4. Давлат буюртмачиси билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;

8.5. инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд иштирокчилар.

Харид комиссияси иштирокчи тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун ваколатли органлардан тегишли маълумотларни олишга ҳақли.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун давлат буюртмачиси ваколатли органга мурожаат қилади.

9. Энг яхши таклифларни танлаш, баҳолаш ҳамда ғолибларни аниқлаш тартиби.

Баҳолашда қатнашиш учун фақат саралаш танловидан ўтган иштирокчиларга рухсат берилади.

Баҳолашда иштирок этишни рад этиш тўғрисидаги қарор фақат Харид комиссияси томонидан қабул қилинади.

“Харид комиссияси” ўрганиш жараёнида иштирокчиларга иштирокчининг таклифида кўрсатилган ҳар қандай маълумотларни тасдиқлаш ёки аниқлаштириш юзасидан ёзма саволлар (сўровлар) юборишга ҳақли, сўровлар чат орқали олинади, бундай сўровлар жараёнида таклифларга ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

10. Танлов таклифларни баҳолаш натижалари.

Баҳолаш натижаларига кўра энг юқори балл олган иштирокчилар махсус ахборот порталида автоматлаштирилган тизим орқали ғолиб ва захирадаги ғолиб деб топилади.

Иштирокчиларнинг харид жараёнларида қатнашиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсларга берилишига йўл қўйилмайди.

Иштирокчилар томонидан Харид ҳужжатларида кўзда тутилмаган ҳар қандай бошқа

тушунтиришлар Харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлов ғолиби тўғрисида расмий қарор Харид комиссиясининг қарори билан қабул қилинади. Бундай қарор Харид комиссияси аъзолари умумий сонидан кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ғолиблар рўйхати ваколатли органнинг махсус ахборот порталида Харид комиссияси қарорининг баёни билан тасдиқланади.

11. Танлов таклифларни баҳолаш натижалари.

Харид комиссиясининг қарори натижаларига кўра, Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган танлов иштирокчисини унинг таклифи қабул қилинганлиги ҳақида давлат харидлари ахборот порталига маълумотлар киритиш орқали хабардор қилиб, шартнома тузишни таклиф этади.

Тўлов шартлари:

“Буюртмачи” шартнома имзолангандан кейин 15 кун ичида “Ижрочи”га кўрсатиладиган хизматлар умумий миқдорининг 30 фоизини олдиндан тўлаб беради.

Кейинги тўловлар “Ижрочи” томонидан ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

Яқуний ҳисоб-китоблар “Ижрочи” томонидан хизматлар тўлиқ кўрсатилгандан (ишлар тўлиқ бажарилгандан) кейин 30 календар куни ичида тўланади.

Агар ғолиб бўлган танлов иштирокчиси шартномани расмийлаштиришни рад қилса, шартнома расмийлаштириш ҳуқуқи танловларда иштирок этган ғолибдан кейинги иштирокчи - “Захирадаги ғолиб”га ўтади.

Агар танлов ғолиби томонидан хизматлар шартномада белгиланган шартларни, қисман ёки сифат жиҳатидан ҳамда лозим даражада бажармаса, қонунчиликда ва шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

Иштирокчи ташилотнинг бланки

Харид комиссияси раисига

**Танловда иштирок этиш учун
АРИЗА**

Биз қуйидаги имзо чекувчи (Иштирокчи корхонанинг тўлиқ номи)
_____ бўйича Харид ҳужжатларига мувофиқ танловда иштирок
этноқчилигимизни тасдиқлаймиз.

Агар биз танловда “Ғолиб” деб топилган бўлсак, биз билан тузиладиган шартнома
бўйича хизматларни Харид ҳужжатларига тўлиқ мувофиқ равишда тақдим этиш
мажбуриятини оламиз.

Биз таклифлар учун ёпилиш санаси сифатида белгиланган санадан бошлаб
30 кун давомида ушбу таклиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу таклиф мажбурий
бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши
мумкин.

Шунингдек, таклифдаги маълумотлар ва ҳисоботлар тўлиқ ва тўғри эканлигини
тасдиқлаймиз.

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ф.И.Ш ваколатли шахснинг лавозими)

М.Ў.

Сана: «__» _____ 20__ г.

Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумот

| | | |
|---|---|--|
| 1 | Юридик шахснинг юридик шаклини кўрсатилган холда тўлиқ номи | |
| 2 | Юридик манзили | |
| 3 | Алоқа телефони факс электрон почта | |
| 4 | Банкнинг тўлиқ реквизитлари | |
| 5 | Асосий фаолият | |

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ф.И.Ш. ваколатли шахснинг лавозими)

М.Ў.

Сана: «__» _____ 20__ г.

Иштирокчи ташилотнинг бланки

Харид комиссияси раисига

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан _____:
(*иштирокчи корхона номи*)

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этиш;
- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилнинг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;
- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилиланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;
- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;
- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айти битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;
- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;
- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

(*ваколатли шахснинг имзоси*)

(*Ф.И.Ш.ваколати шахснинг лавозими*)

М.Ў.

Сана: «__» _____ 20__г.

Иштирокчи ташилотнинг бланки

Танлов иштирокчиси ишончномаси

Сана: _____

Харид комиссиясининг раисига

(Иштирокчининг номи), _____ (харид номи) _____ бўйича
энг яхши таклифларни танлашда иштирокчи бўлган ҳолда,
_____ (Агентнинг номи ва манзили ёки тўлиқ номи ва
лавозими)га вакил сифатида қуйидаги ваколатларни беради:

(кейинги ўринларда кераклигини кўрсатинг)

- а) Танлов бўйича Харид комиссияси билан музокоралар олиб бориш;
- б) энг яхши таклифларни танлаш бўйича ҳужжатларни имзолаш;
- в) шартнома имзолаш;

Биз ушбу ишончномани олган шахснинг имзосини тасдиқлаймиз. _____

Ишончноманинг амал қилиш муддати _____.

Берилган санаси: «_____» _____ 20__ г.

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ф.И.Ш. ваколатли шахснинг лавозими)

М.Ў.

Сана: «_____» _____ 20__ г.

Иштирокчи ташкилот бланки

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан биз _____:

(корхона номи)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмаслигимизни;
- “ Шахар болалар уйи” давлат муассасаси корхонаси билан судлашув ёки арбитраж муҳокамаси жараёнида эмаслигимизни;
- илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган ишлар юзасидан мажбуриятлар мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Ф.И.Ш. Раҳбар _____

Ф.И.Ш. Бош ҳисобчи (ёки молия бўлими бошлиғи) _____

Ф.И.Ш. Юрист _____

М.Ў.

Иштирокчи ташкилот бланки

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

**Ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйча
ташкилотнинг тажрибаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

| № | Етказиб берилган хизматлар (тури/номи) | Буюртмачи ташкилотнинг номи, манзили ва телефон рақами | Етказиб берилган сана | Изоҳ |
|---|---|---|-----------------------------|------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

* Ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйча ташкилотнинг тажрибаси тўғрисида маълумотлар билан бирга тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ф.И.Ш.ваколат шахсни лавозими)

М.Ў.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Танлов иштирокчисининг номи: _____

(валютани кўрсатинг)

| АКТИВ | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. | ПАССИВ | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---------|---------|---------|--|---------|---------|---------|
| I. Узоқ муддатли активлар | | | | I. Ўз маблағлари манбалари | | | |
| Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) | | | | Устав капитали (охириги ҳисоботлар асосида) | | | |
| Номоддий активлар (қолдиқ қиймати) | | | | Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) | | | |
| | | | | Мақсадли тушумлар | | | |
| Қимматли қоғозлар | | | | II. Мажбуриятлар | | | |
| Капитал қўйилмалар | | | | Узоқ муддатли мажбуриятлар, қарзлар | | | |
| Инвестициялар | | | | Кредитор қарздорлик: | | | |
| II. Жорий активлар | | | | шу жумладан, муддати ўтгани | | | |
| Ишлаб чиқариш Захиралари | | | | шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик | | | |
| Тугалланмаган ишлаб Чиқариш | | | | шу жумладан, иш ҳақи бўйича қарздорлик | | | |
| Тайёр маҳсулот | | | | | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Пул маблағлари | | | | | | | |
| Бошқа жорий активлар | | | | | | | |
| <i>Баланс активи бўйича жами (I + II. Бўлимлар)</i> | | | | <i>Баланс пассиви бўйича жами (I + II. Бўлимлар)</i> | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

_____ (валютани кўрсатинг)

| Кўрсаткичлар номи | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---------|---------|---------|
| 1. Сотишдан соф тушум | | | |
| 2. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | |
| 6. Бошқа даромадлар | | | |
| 7. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) | | | |
| 8. Фойда солиғи | | | |
| 9. Фойда (зарар) | | | |

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Мў. Сана: 20__ й. “___” _____

(*) Молиявий ҳолати, тақдим этилган баланс ҳисоботлари билан солиштирилади, тақдим этилган молиявий ҳужжатлар солиштирилганда ноаниқликлар аниқланса харид комиссияси томонидан, иштирокчи дисквалификация қилинади.

II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| Т/р | Асосий талаблар | Маълумотлар |
|-----|--|--|
| 1 | Буюртмачи | Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация маркази |
| 2 | Буюртмачининг Манзили | Манзил: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Юзрабод кўчаси 2-уй |
| 3 | Кўрсатиладиган хизматлар номи | Аутсорсинг “Кир ювиш” хизмати |
| 4 | Ишларни бажариш Муддати | 365 кун |
| 5 | Тўлов шартлари | Шартнома имзоланганидан сўнг 5 иш куни мобайнида 30 % аванс тўлови тўлаб берилади, қолган қисми хизмат кўрсатиш далолатномалари ва ҳисоб фактуралар расмийлаштирилганидан сўнг 30 иш куни ичида тўлаб берилади |
| 6 | Тўлов валютаси | Ўзбекистон миллий валютаси – сўм |
| 7 | Бошланғич нархи | 149 940 000 сўм, ҚҚС билан |
| 8 | Шартнома тузиш тили | Ўзбек ва рус тилида |
| 9 | Молиялаштириш Манбаи | Бюджет маблағлар ҳисобидан |
| 10 | Аутсорсинг хизмати бўйича ишларни олиб бориш | Хизмат кўрсатиш манзили: |
| | | Тақдим этиладиган манзиллий дастур бўйича. |
| | | Лойиҳанинг асосий мақсади ва моҳияти: |
| | | - <Марказда кир ювиш хизмати |
| | | Хизмат кўрсатиш концепцияси ва ташкил этилишига қўйиладиган талаблар: |

III. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Тошкент ш.

« ____ » _____ 202__ й.

“ _____ ”, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан, устав асосида ваколатли бўлган муассаса директори _____, бир томондан ва _____, кейинги ўринларда “Ижрочи”, деб юритилувчи номидан, устав асосида ваколатли бўлган _____, иккинчи томондан, кейинги ўринларда алоҳида “Томон” ҳамда биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар, Харид комиссиясининг тегишли қарорига (202__ йил “ ____ ” _____ даги _____ -сонли Баённома) мувофиқ, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

11.1. «Ижрочи» ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизматларни сифатли ва ўз муддатида бажаришни, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни ўз вақтида қабул қилиш ва хизмат ҳақи тўловларини амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

III. ХИЗМАТЛАРНИ КўРСАТИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

«Ижрочи» қуйидаги хизматларни (ишларни) бажаради (_____ - сонли лот бўйича):

| № | Хизматлар (бажариладиган ишлар) | Нархи | ҚҚС ставкаси | ҚҚС миқдори | Умумий суммаси |
|---|------------------------------------|-------|-----------------|----------------|-------------------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| | Жами | | | | |

Хизматлар бўнақ тўловлари амалга оширилган кейин 15 (ўн беш) календар куни ичида тақдим этилиши лозим.

«Ижрочи» ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб, шартнома шартларига мувофиқ бўлган хизматларни кўрсатишни бошлаш ҳуқуқига эга бўлади.

III. ШАРТНОМАНИНИГ УМУМҲИЙ МИҚДОРИ ВА ТўЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

«Ижрочи» томонидан мазкур шартнома (_____ - сонли лот) бўйича кўрсатадиган хизматларининг умумий миқдори _____ (_____) сўмни ташкил этади.

Кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул кўчириш йўли билан “Ижрочи”нинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

Мазкур шартнома имзолангандан кейин 15 (ўн беш) кун ичида «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматлар умумий миқдорининг 30 фоизини бўнақ тарзида олдиндан “Ижрочи”га тўлайди.

Тўловнинг қолган 70 фоиз миқдори “Ижрочи” томонидан хизматлар тўлиқ кўрсатилиб, ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тақдим этилгандан кейин, “Буюртмачи” томонидан 30 (ўттиз) календар куни ичида тўлаб берилади.

IV. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

4.1. Бажарилган хизматлар сифати харид ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши лозим.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Ижрочи» қуйидагиларга мажбур:

“Буюртмачи”га ушбу шартномада белгиланган муддат ва шартларга мувофиқ хизматларни бажариш;

мазкур шартномада асосида қабул қилинган шартнома мажбуриятларига амал қилиш.

«Буюртмачи» мазкур шартномада белгиланган шартларга мувофиқ, хизматларни қабул қилиш ва ўз муддатида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

VI. ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

6.1. Хизматлар (бажарилган ишлар) “Ижрочи” вакили иштирокида расмийлаштирилган қабул қилиш-топшириш далолатномаларига мувофиқ “Буюртмачи” вакили томонидан қабул қилинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

“Ижрочи” хизматларни бажаришни кечиктирса ёки умуман бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди. Бу ҳолда, “Буюртмачи” бир томонлама шартномани бекор қилиши мумкин бўлади.

Агар кўрсатилган хизматлар танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга, сифат жиҳатидан, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Хизмат”ни (Бажарилган ишларни) қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи” га рад этилган хизмат қийматининг

20 фоиз миқдорида жарима тўлайди ва танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар ва ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб берадиган тарзда тўлиқ хизматни (бажариладиган ишларни) амалга ошириши керак.

“Буюртмачи” хизмат (бажарилган ишлар) учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Агар томонлар ўзаро келишолмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган низолар жавобгарнинг жойлашган Иқтисодий ишлар бўйича судида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

Томонлар:

- уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

Томонда ушбу шартноманинг 8.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланли органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР

9.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор ҳолатлар) натижасида, яъни томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда, томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

X. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

10.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

10.2 Мазкур шартнома, агар бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонларнинг бирининг талабига биноан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин.

Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар фақат ёзма равишда тузилган ва ҳар икки томон томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу шартнома иккита ҳақиқий нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БҮҮЮРТМАЧИ”

Манзил: Банк:
Х/р:
ИНН:
МФО:
Тел.:

“ИЖРОЧИ”

Манзил:
Банк:
Х/р
ИНН:
МФО:
Тел.:

Директор _____

Директор _____

